

3.4.000.000 ТОННА ПАХТА — ТҲИГА

БУТҲН ДҲНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 44 (3526). | Жума, 3 март, 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА КҲЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва область ижроия комитети колхоз ва совхозларда чорвачиликни ривожлантиришда 1966 йилда қилинган ишларнинг якуини кўриб чиқиб, область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини Калинин районидagi «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозига (раиси Мирзаев, партия ташкилотининг секретари Юсупов, чорвачилик бригадасининг бошлиғи Исмаилов ўртоқлар) берди. Бу колхоз чорвачиликни ривожлантиришда ўтган йилда энг яхши кўрсаткичларга

эришган. Йирик шохли чорва моллари плани 117,5 процент, шу жумладан сиғирларни кўпайтириш плани 100 процент бажарилган. Гўшт ишлаб чиқариш йиллик плани эса 105, сут 106,5 процент бажарилиб, давлатга гўшт сотиш бўйича берилган топириқ 100,3, сут топириши 103 процент адо этилган. Ҳар бир сиғирдан 3610 килограмм сут соғиб олинган. Ҳўжаликда чорва моллари учун етарли миқдорда озуқа тайёрланган. Байроқ Оқўзгон районидagi Ленин номи колхоздан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Бўқа районидagi «Бўқа» совхозига (директори Живодеров, партия ташкилотининг секретари Ким, ишчилар комитетининг раиси Сафаров ўртоқлар) берилди. Бу совхоз ўтган йили чорвачиликни ривожлантиришда энг яхши кўрсаткичларга эришган. Йирик шохли моллар плани 110,3 процент бажарилган. Шу жумладан сиғирлар 100 процент, чўчқалар бўйича берилган план 116,8 процент, қўй 100,7 процент адо этилган. Совхозда гўшт ишлаб

чиқариш йиллик плани 101,4, сут 104,5, жун 116,2 процент миқдорда бажарилган. Давлатга гўшт топириши 100,4, сут 107,2, жун 116,2 процент бажарилган. Ҳар бир сиғирдан 1676 килограмм сут соғиб олинган. Ҳўжаликда чорва моллари учун етарли озуқа тайёрланган.

Область партия комитети ва область ижроия комитети Оқўзгон районидagi Ленин номи, Юзори Чирчиқ районидagi «Коммуна», «Политотдел» колхозларининг, Бўқа районидagi 1, 2-«Пискент» совхозларининг, Калинин районидagi «Қорасув», Орионикдазе районидagi «Кибрай» совхозларининг, Янгйўл районидagi «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг чорвачиликни ривожлантиришда яхши ишлаганини қайд қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

«Юбилей йилида Ватанга 4 миллион тонна пахта берамиз!» — Тошкентдаги Сангаат саройи пештоғига яна шу широр ёзилган транспарант осиб қўйилган. Бу ерда, 1 мартда, юбилей йили баҳорининг биринчи кунда ўзбек қишлоғининг энг яхши кишилари — пахта далалари ва фермаларининг вакиллари ўз қурултойига қўнанишди. Улар билан бирга қишлоқ хўжалик мутахассислари, ирригаторлар, олимлар, совхоз ва колхозларни замонавий техника билан қуроллантиратган санаотимиз ходимлари, министрлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари қурултойга келдилар. Қурултой қатнашчилари орасида мамлакатнинг бошқа пахтакор республикаларидан келган меҳмонлар ҳам бор. Ўзбек деҳқонлари ва чорвадорларининг шу республикалар қишлоқ хўжалик меҳнатчилари билан муносабаси яхши традиция бўлиб қолган.

Машҳур мўл ҳосил усталари, таниқли иеханизаторлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ветеранлари ва новатор-

лари президиумда ўтиришбди. КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Курбонов, Н. Г. Лашинев, Н. М. Матчинов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдуразақов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, қардош республикалар делегацияларининг раҳбарлари — Қозғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Эҳсон, Озарбайжон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Х. В. Охундов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Ибраимов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Х. Н. Мирзоилов, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари П. С. Долгов, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими секторининг мудири А. М. Борми-

сенко, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги техника экишлари бош бошқармасининг бошлиғи В. Н. Стоцкий ўртоқлар президиум столи ёнидан жой олдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Курбонов очди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сийсий бюросининг состави зўр йиқилиш билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчинов 1966 йил якуинлари ва юбилей йилида республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳайдаров, Тошкент область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхон, Ленинград район партия комитетининг биринчи секретари У. С. Сагитов, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси Е. Т. Тасанбоев, Самар-

қанд область партия комитетининг секретари Р. Ғойинов, Қарши районидagi «Ленинизм» колхоз партия ташкилотининг секретари М. Умирова, Топди район партия комитетининг секретари С. П. Пирманов, Урганч районидagi Ленин номи колхоз раиси С. Қаландаров, Шеробод районидagi «Советобод» совхоз комплекс механизацияланган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Қудратов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Е. Айтмуротов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Д. С. Елдоров, республика қишлоқ хўжалик министрлигининг ўринбосари А. Д. Дадабоев, «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси Н. В. Бабков ўртоқлар қатнашди. Шоир Акмал Пулат қурултойга бағишланган шеърларини ўқиб берди.

Қозғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. В. Эҳсон, Туркменистон Компартияси Марказий

Комитетининг секретари П. С. Долгов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Х. Н. Мирзоилов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Ибраимов, Озарбайжон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Х. В. Охундов ўртоқлар қурултой қатнашчиларини ва улар орқали Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини қизғин табрикладилар.

Қурултойда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1967 йилги социалистик мажбуриятларини бир овоздан қабул қилдилар.

Қурултой қатнашчилари учун катта концерт қўйиб берилди. (ЎзТАҒ).

УРҒИТ КУПЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

«Москва» колхозининг меҳнаткашлари юбилей йилида 676 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектардан 30 центнердан оқ олтин етиштириш мажбуриятини олдилар. Ҳозир далада мажбуриятга яраша иш кетяпти. Деҳқонлар кўлам экиш кампанясида пухта ҳозирлик кўришмоқда. Ариқ-зувурларни тозалаш, карта четларини текислаш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Деҳқонлар ўтган йилга нисбатан бу йил маҳаллий ўғитдан кўпроқ фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу мақсадда қўй қийи, гўнг, эски девор кесаклари далага чқарилиб солишмоқда. Илаш Абдуғофуров, Мажит Арслонов, Розик Мухамедов каби механизаторлар ғайрат кўрсатиб ишлаб, кунига 20 тоннага етказиб ўғит ташиб чиқармоқдалар.

К. САФАРАЛИЕВ, Янгйўл райони.

УЛКАН РЕЖАЛАР

Шу кунларда ҳар бир совет кишининг қалби юксак ҳис ва тўғйулларга, қувонч ва фахрга тўлиб-тошган. Бу йил Совет давлатининг 50 йиллиғини — бахт-содат, янги ҳаёт ва фаровон турмуш берган Улут Октябрь-социалистик революциясининг шонли йрми асрлик тўғйини байрам қиламиз. Бу истак, бу мақсад ва шият мамлакатимиздаги шу жумладан областимиздаги барча меҳнат аҳлини ижодий ва яратувчилик ишларига, янги зафарларга руҳлантириб юборди.

Кечягина бўлиб ўтган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини илгорларининг қурултойи қатнашчиларининг қалб сўзларини тинглаб элансиз, ана шу олижаноб фазилатларини янада ёрқин кўрасиз. Поевизга далаларимизнинг миришкорлари, моддий бойликлар яратётган азамат деҳқонларимиз Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг буюк ғамхўрликларини, социалистик тузум туфайли қишлоқ хўжалигини, ўз ҳаётлари ва турмушларида эришяётган муваффақиятлар, катта ўзгаришлар ҳақида гурур ва мамнуният билан, қувонч ва кечиза заъқ билан ҳикоя қилар эдилар. Ишчилар, интеллигентлар сингари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам беш йиллиқнинг биринчи йилига яқин асрадилар ва юбилей йилнинг улкан режалари ва планларини белгилаб олдилар.

Ўтган йилнинг якуинлари, зафарлари ҳар биримизнинг қалбимизни ҳушуд этади, тўлқинлантиради. Халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати мўъжизалар яратди. Пахтачиллик тарихида мисли қўрилмаган зафар кундик. Ова-Ватанга 4 миллион 382 минг тонна, яъни планда кўрсатилганидан 82 минг тонна кўп «оқ олтин» армуғини етишти. Областимиз пахтакорлари республикамизнинг улкан хиромонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ова-Ватан пойтахт областидан 350 минг тоннага яқин олтин дурдона қабул этди.

Ўтган йили машиналар ўз қудратини, дала гавардиячилари ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш қилдилар. «Зангори кема»лар буюк-керематдан 1 миллион 329 минг тонна «оқ олтин» тўкиди. Тошкент областининг хўжаликлари алып ҳосилини 51 процентини машиналарда териб олдилар. Манг'ал Оқўзгон районининг хўжаликлари эса 72 процент пахтини машиналарда териб, айлониб патияга эришдилар. Областимизнинг илгор колхоз ва совхозларида 80—90 процент пахта машиналар билан терилди. Ҳосилдорлик бундан олдинги йилларга нисбатан бирмунча ошди. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг йиллик даромадлари, моддий манфаатдорликлари ҳар йилдан юксак бўлди.

Беш йиллиқнинг биринчи йилида ғаллакорлар, сабзавотчилар, чорвадорлар, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётган меҳнатсевар, ижодкор халқимиз янгида янги муваффақиятларини қўлга киритдилар. Қишлоқларимиз фазлига-файз, кўркига-кўрк қўшилди, янада обод ва кўркам бўлди. Ўтган йилнинг якуинлари салмоқлидир. Лекин бу талаб бизни мағрурлантирмаслиги ва хотиржамлик солмаслиги керак. Аксинча, ютуқларни мустаҳкамлаб, йўл қўйилган камчиликлардан тегишли ҳусласлар чиқариб олишимиз ва юбилей йилида янада янги марраларни эгаллашимиз учун ҳозирдан ғайрат ва ишжорат билан ишга киришимиз лозим.

Қурултой юбилей йилнинг режа ва марра-

ларини, план ва вазифаларини белгилаб берди. Бу йил республикамиз мамлакатга 4 миллион тонна пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олди. Областимиз эса юбилей йилнинг 330 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаш билан нишонланган аҳд қилди. Олдинкида турган вазифалар юксак ва масъулиятлидир. Бу вазифалар қишлоқ меҳнаткашларидан, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органларидан янада ғайрат ва ташаббус билан, сабот ва матоват билан ишлашни, қишлоқ хўжалигини фойдаланилаётган резервлар ва имкониятларини ишга солишни, бутун эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратишни талаб этади. Пахта етиштиришни тобора кўпайтириш илгаригидек ҳозир ҳам энг муҳим ва асосий вазифа бўлиб қолади. Бу йил областимизда айрим районлар, колхоз ва совхозларда сабзавот етиштиришни кўпайтириш ҳисобига пахта экиладиган майдонлар бирмунча қисқартирилди. Пахтачиллик соҳасидаги вазифа эса янада ошярилади. Бу вазият барча хўжаликларнинг имкониятларидан тўла фойдаланишни, комплекс механизациялашни янада ривожлантиришни тақозо этади.

Ўтган йили бирмунча хўжаликлар ҳосилдорлик жиҳатидан ҳатто областининг ўртача даражасига ҳам етолмадилар. Баъзи колхоз ва совхозларда эса комплекс механизациялаш даражаси кўнгалдагидек бўлмади. Наряденз, аккорд системасида ишлайдиган звероляри мустаҳкамлашга етарли эътибор берилмади. Шунинг учун 1967 йилда қишлоқ хўжаликлари, бригада ва звероляри илгорлар даражасига кўтариш, комплекс механизациялашга звероляри зверолярини кенг ёйиш, юзори ҳосиллар зверолярини қўлаб қўлаб пахта етиштиришни кўпайтириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун минерал ўғитлар, заҳарлар дорилар ва дефолантлар, бой қишлоқ хўжалик техникасидан тўла ва унумли фойдаланишимиз, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашимиз, алмашлаб экишни жорий қилишимиз, деҳқончилик маданиятини ошириб, сўғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан самарали фойдаланишимиз лозим. Шунингдек сабзавот, картошка, полз экишлари, шол, каноп, пилла, дош, чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштиришимиз керак. Бу юксак вазифалар қишлоқда ташкилотчилик ишларини юзори поғонага кўтариш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ғайрат ва ташаббусини, сийсий ва меҳнат активлигини янада юксалтиришни талаб этади. Шу кунларда юбилей йили умумхалқ социалистик мунобақаси йилини тус олди. Қишлоқ меҳнаткашлари кўккам дала ишларини қизитиб юбордилар. Ленин ҳамма ерда ҳам кўккам дала ишлари қонқарди деб бўлмайди. Айрим районлар, колхозлар ва совхозларда бўшаювчилик, хотиржамлик юз бермоқда. Бунга қатъий зарба беришимиз керак.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1967 йил учун социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарайлик. Улут Октябрьнинг 50 йиллиғини янги зафарлар билан нишонлайлик!



Республика қишлоқ хўжалик илгорлари қурултойининг қатнашчиларидан бир гуруҳи. (Чапдан) Янгйўл районидagi Ҳамроқул Турсунов номи колхозининг раиси, Э. Жўраев, шу райондаги «Ленинизм» колхозининг раиси А. Ортиқов, Бўқа районидagi «Гулистон» колхозининг раиси И. Ҳайдаров, Оқўзгон районидagi «Ленинбод» колхозининг раиси К. Эгамбердиев, Янгйўл районидagi Назарали Ннзоев номи колхоз раиси Ф. Мадалиев, шу райондаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Исмаилов ўртоқлар.

А. Абалиев фотоси.

ЛЕНИН МУКОФОТИ КОМИТЕТИДА

Москвада Н. С. Тихонов раислигида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин ва СССР давлат мукофотлари комитетининг сессияси иш бошлади.

Сессияда Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг атоқли маданият арбоблари қатнашмоқдалар.

Комитет Ленин мукофотлари олинган тақдирда этилган номзодларни муҳокама қилиб бўлганидан сўнг, бундан буюн конкурдан ўтказилган қатнашчиларни белгилаб беради.

(ТАСС).

ЗАВОД МАШЪАЛИ

Бу бригадада бири-бирига дўст, ҳамкор, шўқ ва содиқ кишилар ишлайди. Уларнинг зиммасига жуда ҳам масъулиятли вазифа — темир йўл вагонлари ва локомотивлари учун тормоз колодкалари стерженининг тайёрлаш юклатилган. Аҳли коллектив уюшқонлик билан меҳнат қилиб, бу вазифани аъло даражада бажариб келмоқда. Людмила Реут ҳаммага ўрнак кўрсатаётган ана шу бригаданин энг ишчан аъзоларидан биридир.

Бой билим, катта тажриба Людмилага ўз-ўзидан келиб қолган йў. Людмила секинли Ватанимизнинг фарзандлари немиш-фашистлар билан жон бериб-жон олишиб, аёвсиз жанг қилиб турган 1944 йилда — Тошкентдаги Октябрь революция номи заводида ишга келган эди. Ўшанда Людмила 16 ёшда эди.

Унинг ёшлик йиллари анча машаққатли бўлди. Отаси баъқат вафот этди. Онаси ишга яроқсиз бўлиб қолди. Бутун рўзгор ташвиш Людмиланин зиммасига тушди. Ана шундай қийинчилик кезлари корхона коллективи уни ўз бағрига олди. Қўпни кўрган тажрибали ишчилар унга устозлик қилишди. Людмила тез орада завод ҳаётига қўшилиб кетди, касбият ихлос қўйди.

Мава, ҳозир унинг заводга ишга кирганига 24 йил бўлибди. Шу давр ичида унинг қўлаидан минглабча тонналаб қолипаш учун ишлатиладиган хомашё ўтди десак, муболага бўлмайди. Шу давр ичида у миллионлаб стерженларни тайёрлаб чиқарди.

Қўндан буюн унинг номи ишлаб чиқариш пешқадамлари қаторида тилга олинади. Сурати эса завод ҳурмат тахтасидан

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

тушмайди. 1959 йилда унинг ҳаётида унутилмас қувончли воқеа рўй берди. Партия ва ҳукуматимиз унинг кўп йиллик меҳнат фаолиятини муносиб тақдирлаб, Ленин ордени билан мукофотлади.

Чўн қўйиш чехининг ишчи, инженер-техник ходимлари Людмиладаги барча яхши фазилатларни ҳисобга олиб, ўтган сайловда уни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган эдилар. У коллектив ишончини оқлаш, сайловчиларнинг нақазларини бажариш йўлида жонқуярлик билан ишлади. Вақти билан ҳисоблашмади, қуч-ғайратини сира алмади. Сайловчилар билан

доимо алоқада бўлиб турди. Уларнинг истак ва талабларини ўрганиб, қўлидан келганча ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилди. Ўтган сайловдан буюн шу қулагача у сайловчилардан тушган 500 га яқин ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, уларнинг қўйишчилигини ижобий ҳал қилди.

Ана шунинг учун ҳам завод ишчилари актив жамоатини Людмила Реутни чин юракдан севдилар, ҳурмат қиладилар. Коллектив депутатлик бурчини зўр ихлос билан бажариб келаётган Людмилани бу гал ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Бу ҳол бригада аъзоларини қувонтириб юборди. Улар заводнинг машъали — Людмила билан фахрланадилар.

... Смена иши тугади. Мастер Яков Иванович бугунги меҳнатга яқун исар оқан.

— Баракалла, иш деган мана бундоқ бўпти, — деди, — 2300 ўринга 2800 колодка тайёрланди!

Шу кунни завод дарвозасидан қўлар қатори зўр бурчин саноат билан бажаряётган стерженчилар бригадасининг аъзолари ҳам чиқиб келишди. Улар орасида дондор ишчи Людмила Реутни ҳам кўриш мумкин эди.

Ж. МАҲМУДОВ.

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА 330.000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛДИЛАР

1966 йил якунлари ва юбилей йилида республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида турган вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Н. М. Матчонов докладининг баёни

Надирлар моҳирлик билан таъинлаб, қишлоқ хўжалик шўъбага таъинлаб, жой-жайна қўйиб қўйиб, нақлабдаги ҳуш утуларга қўйиб қиритишди. Ҳозир районда далалик бригадаларининг раҳбаридан 63 проценти ўрта ва ўрта кесма мат-лумотли кишилар. Қоллар, бригадаларининг раҳбар хўжаликдан 70 га яқин киши қишлоқ хўжалик институтига сиртда яшайд.

Сирдарё областэ ижрия коммисиясининг раиси Е. Т. Тасановларга чиқди. У айтдики, беш қилиннинг биринчи йили областэ

наган йил бўлибгина қолмай, балки кўпгина хўжаликлар ва ишлаб қарши бригадаларни ҳосилдорни анча оширишга эришган йил м бўлди, бу эса пахта етиштириши анча кўпайтиришга имкон берди.

2 минг гектардан кўпроқ майда қатор ораларини 90 сантиметрли қилиб чигит эккан «Ма» совхозининг тажрибаси об-

Пاختа ештиришни асосан экин йилдонларини кенгайтириш йўли билан, шунингдек ҳам йўлбардикни ириш хисобига ҳам кўпайтирилади. Ҳозир ҳар бир қолхоз ва хўш эрладан яхшироқ фойдаланиш ташминламоқ учун экин йилдонларини структурасини алалди чикмоқда. Беш йилдининг ирига бориб, ҳар бир совхозда

қолхозда пахта — беда алмаш-
бэзичи тўла равнада амалла-
йриш учун шу йилнинг ўзидак
поилари аяча кенгайтириш
лжаллаб қўйилди.
Самарқанд область партия ко-
тетининг секретари Р. Гоипов
рултой қатнашчиларига ўтган
й давлатта 408,2 минг тонна,
ни бундан олдинги йилга қара-
да 59 минг тонна кўп пахта
чиқарилганлиги тўғрисида гапи-

берди. Олестининг ҳамма раи-
ларин, барча колхоз ва совхозлар
ларининг социалистик макбури-
ларининг муваффақиятли бажар-
ларин. Нарпай, Пастдарғом ва Бу-
нтур районларининг пахтакорла-
рининг ахлини меҳнат қисдилар.
ар пахта етиштиришни кейинги
ли йил натижа 25 процент кўпай-
дилар.

Кейинги йилларда областда са-
ботчиликни ривожлантиришни йў-
да бир мунча иш қилинди. У-
ти йил Самарқанд районининг
савотчилари гўшти бонига 206

Центрлардан бозовот оддлар. Шу йондаги «Моеква» колхозининг бозовотчилари эса ўртача ҳисоб-
300 центнердан ҳам ошири
ордилар. Бироқ кўпгина колхоз-
лар, айниқса пахтакор районлар-
ни колхозлар сабаботдан жуда
ет ҳисил олмайдлар.

Қашқадарё область Қарши рай-
ондаги «Ленинизм» колхози пар-
тия ташкилотининг секретари М.
Пурова колхоз партия комитети
қалик масалалари билан бир қа-

дабиятини оширишга, уларнинг
профандлигини яхшилашга алоҳи-
ёлтиб бераётганлиги ҳақи-
қий бўлади. Утган йилнинг ўзига
на 80 онла янги уйлارга кўчи-
ди. Шу уйлarning ҳар қайси-
телевизор, радиопрёмник, газ
р. Колхозимизда йикта клуб,
салхона, дорихона, колхоз мар-
зида маданият уйи ишлаб ту-
ди. Янги урф-одатлар ва тра-

Хамма эътибор берилмоқда. Мамлакат, қолхозда лиқош тўйларини ҳаммаси янгилик қилиб ўтказилмоқда. Бу йилги юбилей йилига 30 оила янги уйларга қўйилган. Қолхозда пикетга медал пункт, яна бир клуб, мактаб, 2 та болалар богчаси қурилган. Хамма иш қўйилган келадиган

Томди район партия комитети-
ги биринчи секретари **С. Пирма-
в** 3-ўз путида Томди район қор-
ақчилиги КПСС Марказий Коми-
тети март Пленумининг, Эвбеки-
с Компартияси Марказий Коми-
тети IV пленумининг қарорларида
ишдан вазифаларни муваффақия-
ти бақараётганлигларни тўғриси-
га ширди. Районда совлиқлар
ро йил ичда 44 минг бош ёш
процент қўйди. Натикада
миники қўйлар орасида совлиқ-
нинг салмоғи анча ошди. Дав-

Ленин номи ва «Коммунизм» озодларининг, «Оёққудуқ» совхозининг чўпонлари беш йилкини беришчи йилида айниқсан ишладилар. Ушлаб фермада ҳар 100 совлидан 120—130 ва ундан ҳам кўпроқ қўзани майжубиятларини ошириб қардилар. Ҳар бир қўйдан уч программ ва ундан ҳам кўпроқ

Урганч районидagi Ленин номидаги колхоз раиси С. Қаландаров билан суҳбат.

"ПОБЕДА" КОЛХОЗИДА

БУГУНГИ КИЕТ

Бизга бир сурат кўрсатишди. Сар-
ғайиб, анча хиралашиб қолган бу су-
ратнинг олинганлиги 25—30 йил ча-
маси нафъ ўтган. Шунга қарамай, бу
ер олдидан кай ахволга бўлганлиги шу
суратда очиқ намоён бўлиб турибди.
Қишлоқ территорияси асосан қамчи-
зор, тўғайзордан иборат бўлган. Ун-
да бўлма пастрақ, усти қамчида
ёшилган уйлар турибди. Бир томон
полноқлик, бир томонга эса, жарлик.
Қўчалари тор эди.
— Энди, — дейди қишлоқ совети-
нинг раиси ўртоқ Абдураҳмон Очи-
лов, — Кийт тепалигига чиқайлик,
уш ердан қишлоқимизнинг ҳозирги
қийфасини бир кўринг.

ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

Аваллари ялдон ётган бу тепалик
анди богорта айланган. Бу соҳада
машҳур соҳибдор Ризамат отанинг
хизмати катта. Атрофга назар та-
шлаймиқ. Қанчадан-қанча кенг ас-
фальт кўчалар, тартиб билан яд
кўтарган турар-жой бинолари. Мада-
ний-маиший муассасалар кўпайган.
Ҳозир бу ерда бешта бошланғич ва
8 йиллик мактаб ишлаб турибди. 320
ўқувчи ўрта мактаб биноси қурил-
ган. Минерал ўғит сақлайдиган
омбор, молхона, бузқоҳна бинолари
эса қийингина қурилиб фойдала-
нишга топширилди.
— Юбилей Вилида, — дейди киш-

лоқ советининг раиси, — қишлоқ-
миз яна ҳам кўрналашди. Қўлаб
тураржой бинолари, қишлоқ ил-
ҳаммо қуриб битказилди.

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

Яқинда бу ерда комсомол-ёшлар-
нинг революция ветеранлари билан
учрашув нечаси бўлиб ўтди. Бунга
қолхозчилар ҳам келишди. Учра-
шув қатнашчилари революция иш-
тирокчиларининг сузаларини қизи-
қиб билан тингашди.

ГАЗЛАШТИРИШ БОШЛАНДИ

Қишлоқ Бенобод шаҳридан 25 ки-

лометр узоқлида. Шунга қарамай,
бу ердаги аҳолига маданий хизмат
кўрсатиш тобора яхшиланиб бормо-
қда. Ҳозир қонадонларни газлашти-
ришга киришди. Яил ахиригача 160
қонадон газ билан таъминланади.

КАСАБА СОЮЗ

ЙўЛЛАНМАСИ БИЛАН

Қолхоз касабаси союзи ташкилот-
нинг йўлланмаси билан кўп қолхоз-
чилар кўрорт, санаторийлар ва дам
олиш уйларига бориб ҳордиқ чинар-
мондалар, соғлиқларини муостаҳкам-
лаб қайтмоқдалар. Тракторчи Бойна-
зар Бегимқўлов Қавказда, механиз-

тор Қўшқор Эгамбердиев Қаснодар
уласида даволаниб келишди. Сувчи
Шерғоли Бутаев отпускатини тур-
ош саҳатда ўтказди.

ЯРИМ АВТОМАТ СТАНЦИЯ

Яқинда бу ерда ярим автомат ста-
ция ишга туширилиб, қолхоз қишло-
ғи телефонлаштирилди. Энди участка
ва эвенолар билан алоқа янада ях-
шиланди. Қўпгина қонадонларда те-
лефон ишлаб турибди.

М. ГОЗИЕВ.

Бенобод райони.

Реклама
ТА **Эълонлар**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

3 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — Эштин-
ришлар программаси, 18.00 —
Телевизион янгиликлар, 18.25 —
Як ва Робот (болалар учун
мулфильм), 18.25 — Юлдузча
(телекуратор), 18.30 — Индустрия
озуқаси, 19.20 — Концерт (Турис-
тон халқий оқруғи штаби духовой
оркестри).
20.00 — Эртаги кун програм-
маси ва эълонлар.
Эвек тилида: 20.15 — Телеви-
зион янгиликлар, 20.30 — Агит.
пункт чироқлари порлайди, 20.45
— Ёлгоринлар, 21.10 — Ота-она-
лар университет, 21.50 — Сан-
ат усталари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Эвек тилида: 17.55 — Эштин-
ришлар программаси, 18.00 —
Панжоб куйлари (Тошкент шаҳар
24-мактаб бадий ҳаваскорлари
нинг концерти).
18.30 — Чизма геометрия (сирт-
тан таълим олаётган студентлар
учун рус тилида ўқув программа),
19.30 — Телевизион янгиликлар,
19.40 дан — Очилган кўриқ (бад-
ий фильм).
21.20 — Москва кўрсатади.

ИНТИЛИШ

Почта ходими Тошкент медицина институтининг қулоқ, томоқ ва
бурун касалликлари клиникасига
одатдагидек анча хат келтирди.
Бир қироилик откритканинг тепа
қисмида қипқизил байроқ. Унда
«Октябрға шон-шарафлар бўл-
син!» деган зарҳал ёзув. Открит-
канинг орқасида рус тилида эълан-
жорак сўзларини ўқиймиз.
«Хурматли ўртоқ Усмонов! Сизни
Октябр байрами билан
табриқлайман! Сизга соғлиқ, бахти-
ли ҳаёт, ишларингизга муваффа-
қият тилайман. Менга мой дори
рецептини юборганингиз учун
катта раҳмат! Сизнинг раҳмдлий-
лигини, қилган яхшиликларини
сир-сир унутмайман. Сизга бўлган
миннатдорчилигини ифода-
лай оладиган сўз топишга оғиз-
мен. Ҳаммавақт сиҳат-саломат бў-
линг!»
Сизга чекисиз ҳурмат билан:
А. СОСТРЕКЕНКОВСКАЯ.
Краснояр ўлкаси, Абакан
шаҳри.

Яна хат, яна раҳматномалар...
Уш, Осиёхон ким ўзи? Бахтли,
меҳнатқаш, оддий ўзбек оилала-
ридан бирининг фарзанди. Усмон
аканинг қизи, Матлуба, Рамзиддин
ва Ақидохоннинг синглиси.

... Бунга кўп йиллар бўлди.
Ақидохон Осиё унда кичкин-
той қизалоқ эдилар. Ёз кезлари
шаҳар четидида бобосининг боғи-
га боришни севинишарди. У ерда
ҳордиқ чиқариб, янги куч-ғайрат
билан мактаб кўчоғига қайтишар-
ди. Бироқ, бир қўшни тўғайли
бевзон қизчаларнинг дили сиёҳ
бўлар, боғ роҳати ҳам татимай
қоларди. Тагин ҳамсоёлари ёмон
кишиллар экан, деб ўйланган. Ас-
ло ундай эмасди. Қўшнинг она-
си ҳам, боласи ҳам руҳий касал-
ликка чалинган эди. Кўп қийнали-
шар, азоб чекишарди. Раҳмдил
Ақидохон Осиёнинг юрғини
эззатлаган нарса ҳам худди ана шу
эди. Нима қилиса улар тузали-
шаркин, деб ўйлашарди қизлар.

Ана шундай кишиларга ёрдам
бериш ниятини, катта оянинг
медицина институтига ўқишга,
хуллас, Ақидохон ҳам, кейинчалик
Осиёда ҳам врач бўлиш орузи
йўғонди. Орузининг рўёбга чиқиши
учун эса ўқиб, анча ўқиб керак
эди. Бироқ, ўшанда Ўлуғ Батан
уруш бошланган бўлиб, тинч
ўқиб даври эмасди, фронтга ёр-

дам бериш ҳам фарз, ҳам бурч
эди.

1943 йил. Мамлакатимиз оғир
қунларни кечирётган пайт. Ақидохон
мактабда ўқиб билан бирга
«Ташсельмаш» заводига кириб
ишлади. Станок қулоғини бураб,
чўян, пўлатларни рандалади. Иш-
дан қайтиб, китоб варақлади. Ур-
та маълумот олган, медицина ин-
ститутига қадам қўйди ва ахло
ўқиб бошлади.

Хали студентлик йилларидаёқ
Ақидохон Советига депутат бў-
либ сайланди. Тўртинчи курсга ў-
тганда, ёшлик чоғида юрагидан
жой олган умидлар яна алангала-
ниб, Ақидохон психиатор бўлишга
жазм қилади. У деярли ҳар кун
республика руҳий касалликлар
шифохонасига қатнайди. Институт-
ни тугатган, клиника ординатура-
сида қолиб, профессор Ф. Ф. Де-
тенгоф раҳбарлигида илмий иш
олиб боради.

Ақидохон омон бўлмади бу кез-
лар. Шифохонадаги вазифа, ҳас-
тларни даволаш ва илмий иш-
лардан ташқари уйда ҳам иш
олиб-тошиб ётарди, пишириб-
қуйиб-қирин, болаларни тарбиялаш
— буларнинг ҳаммасига улғирши
қерак эди, улғурши.

Ниҳоят оруз ушайди — Ақидохон
шифохонага касаллигини бошла-
ниш даврида даволаш ва бу ка-
салликка бўқоннинг таъсири те-
масида диссертация ёқлади. Ақидохон
да ҳозир ҳам руҳий касалликлар
шифохонасида ишламоқда. Унинг
хисобиди бу ҳасталиқдан даво
толган кишилар анча.

Синглиси

Осиё ҳам сабрда қатаётган сол-
датдек, Ақидохон кетидан қаддам-ба-
қаддам борди. 1954 йили институт-
ни тугатган, қулоқ, бурун, томоқ
клиникасида даволовчи врач бў-
либ қолди. Ақидохон ташкилотчи,
сезгир врач, меҳрибон ўртоқ бўл-
гани тўғайли тезда у маъмур бў-
лишга мудири қилиб тайинланди.
Икки бор Қўйибешев район Совети
депутат бўлиб сайланди. У
хали — богчада, ҳали-завадда,
ҳали мактабда бўлди. Шунда ҳам у
олима бўлиш, тўғирроғи ўз ик-
сосини чўқурроқ билиш, эгаллаш
учун ишлашга вақт топа олди.

Ниҳоят кўп йиллик меҳнат, қи-
диришлар натижасида Осиё «Ан-
гина оғирлашганда ревматизм ва
буйрак касалликларининг ривож-
ланиши ва уларни даволаш» деган
темада диссертация ёқлади. Қи-
зиги шундаки, Ақидохон Осиё
ўз диссертацияларини бир кунда
бир мақлада ёқлашди, Усмон
отанинг уйига кўп қувонч кирди.

Соғлиқ иши, хизматчи, ҳозир
пенсиясиз Усмон ота ўғил-қизла-
рини ўқитишнинг қадрига етдирилган,
билим кетидан қувонган, меҳнат-
севар қилиб тарбиялади. Бунинг
учун барча шароитлар муҳайё
эди. Энди Усмон ота пири бадав-
лат одам, унинг катта қизи Мат-
луба — қишлоқ врачли бўлиб иш-
лайди, ўғли — Рамзиддин жин-
ки Марказий касалликларнинг бош
врачи, Ақидохон Осиё меди-
цина фанлари кандидатураси.

Усмон отанинг оиласи Октябр
қўйишдан нур эитган Батамиқдаги
миллион-миллион оилаларнинг
бири. Шунанг улар экансан, кўзинг
бенихтер яна уша откритканинг
қизил байроғига тўшадан ва унда-
ги зарҳал ёзувини қайта-қайта ўқи-
гинг келад:

«Октябрға шон-шарафлар бўл-
син!»

М. МУРОДОВ.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



Ҳинд рақслари кўпдан бери элимизга таниш. Классик ва
замоновий ҳинд рақслари ўзининг жолибдорлиги билан бизни
мафтун этиб келади. Бу бежиз эмас, албатта. Қадимдан ўзбек
ва ҳинд халқлари маданиятида бири-бирга яқин, бири-бирга
ўхшаш томонлар кўп бўлган. Бу айниқса раққослик санъатида
яққол намоён бўлади.

Шу бонедан ҳам ҳиндистонлик машҳур раққ усталарининг
пойтахтимизга келганликлари катта қизиқини билан кутиб
олиниди. Қўни-кеча улар Спердлов номи концерт залда ула-
ри олиб келган раққ программасини санъат шинаяндаларига
нахоятин қилишди. Ҳинд санъаткорлари томонидан ижро
этилган ҳар бир раққ томошабинлар олқисига сазовор бўлди.

Классик ва замоновий услубда ижро этилган рақслар маҳорат-
ли санъаткорлар ижросида янада гўзал ва жолибдор кўри-
нди. Айниқса машҳур ҳинд-раққосаси Индранни ижро этган на-
фис рақслар қизгин кутиб олинди. Ҳинд балетининг ёш рақ-
қосаси Ума Шерма ҳамда раққоса Шекарларнинг чиқишлари
ҳам зўр муваффақият қозонди.

Суратларда: юқоридан настига: 1. Ҳинд санъаткорлари Дев
Лал, Варма ва Арун Кумар Ҳинд музыка асбобларида раққ кў-
йи ижро этишмоқда. 2. Ёш раққоса Ума Шерма. 3. Ҳинд ра-
қслари устаси Индранни. 4. Раққоса Шекар «Топус» рақсини
ижро этапти.

Н. Глауберзон фотолари.



ПАНЖОБ КУНИ

Ҳар йили баҳорнинг биринчи
қунини Ҳиндистон штати —
Панжоб қуни сифатида нишон-
лаш тошкентликлар учун яхши
традиция бўлиб қолди. Ўзбеки-
стон пойтахти жамоатчилиги бу
штат билан бир неча йилдан
бўён қилин дўстона муносабат-
да бўлиб келмоқда. Ўзбекистон
билан Панжобнинг маданий
ҳамкорлиги йил сайин муоста-
ҳамланиб бормоқда. «Ташкент-
кабел» заводининг клубида бў-
либ ўтган тантанали кечада ана
шу ҳақда гапирилди.


Кечада Совет-Ҳиндистон ма-
даний алоқалар жамияти Ўзе-
бистон бўлимининг вице-прези-
денти, республика Фанлар ака-
демияси шарқшунослик институ-
тининг директори С. Азизмоно-
ва доклад қилди. У Панжобга
қилган сафарига вақтида олган
таассуротларини ўртоқлашди,
ҳинд дўстлар Ўзбекистон ҳаё-
тига ва унинг муваффақия-
тларига зўр қизиқин билан
қараётганликлари тўғрисида,

уларнинг совет кишиларига ис-
батан самимий хайрхоҳликлари
ҳақида гапирди.

Кечада Тошкент шаҳар Совети
ижроия комитети чет эллар
билан алоқа қилувчи комиссия
аъзоси Ф. Турсунов, ишкене-
р Б. Виннер, Тошкент универси-
тетининг студенти Р. Ғуломов
сўзга чиқиб, республика меҳ-
наткашлари Ҳиндистоннинг Пан-
жоб штати билан, дўст мамла-
катининг барча халқлари билан
дўстлик ҳамда ҳамкорлигини то-
бора ривожлантиришга астой-
дил иштилоётганликлари ҳақида
гапирди.

Кеча аҳли ҳинд аспиранти
Мурти Данаи самимий кутиб
олди. У совет кишилари ҳинд
халқига нисбатан билдираётган
дўстона ҳис-туйғулар учун са-
мимий миннатдорчилик билдир-
ди.

Кеча қатнашчилари Ҳиндис-
тон-Совет маданияти жамияти
Панжоб бўлими номига табрик-
нома йўллади. (ЎЗАТА).



Суратда (чапдан) Ақидохон Осиё Усмоноваларни иш устида кўриб сини

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

Газетамизнинг шу йил 18 февраль
сонида «Ранс йодчи» сарлавҳали ма-
қола босилган эди. Мақола юзасидан
комиссия тўзилди. Ўтказилган тек-
ширишда Орқонийда райондаги
Киров йомли қонлида деҳқончилли-
ва чорватчилик соҳасидаги кўрсаткич-
лар бирмунча пасайиб кетганлиги
аниқланди.

Текши мақоланинг сарлавҳаси маъ-
мунига мос келмайдиган. Қолқоннинг со-
би раиси Й. Нешимов ҳеч қандай
қолиб кетган эмас, бекетлиги учун
ўз ариязида мувофиқ вазифасидан
бўшатилган. Фангларини чўқур тек-
ширмай новинчиларга йўл қўйган
мақола автори П. Нешимовга тегиш-
ли чора қўрилди.

ФУТБОЛ

Уч ўйиндан кейин беш очко
тўплаган «Пахтакор» футболчи-
лари ўз гуруҳларида пешка-
далик қилмоқдалар. Финал
ўйинларида қатнашши ҳуқуқини
берилган биринчи ўрин учун
кўй бир қонанда — пойтахт
динамочилари даявогар бўлиб
туриништи. Ўтган кун Ленин-
граднинг «Зенит» командаси
билан Донецкнинг «Шахтер»
коллективни ўртасида бўлиб ўт-
ган ўйин 1:1 хисобида дураниб
бўлиб тугагандан кейин, бу ик-
ки команда биринчи ўринни
эгаллаш амри маҳол бўлиб

қолди. Негаки улар қолган уч-
рашуларда ғалаба қозонасалар
кам, гуруҳида пешкада бў-
лишлари қийин.

«Пахтакор» ўтган семабга
қуни Ростов армиячиларини 2:1
хисобида мағлубитга учратиб,
муҳим ғалабани қўлга кирит-
ди. Бу мати «Спартак» стандарт-
лида бўлиб ўтди. Аввалги меҳ-
матлар устунлиқ қилишди.

Дастлабки 30 минут ростовлик-
лар қўли баланд ҳолда ўтди.
Ҳимоячи Гетмановнинг балад-
латиб тегган тўлини дарвозабон
Любарцев қўлида ушлаб қолол-

мади ва Буров уни дарвозага
киртиди. Ана шундан кейинги-
ла меҳмонлар суратини охири-
лар ва кетма-кет халфли вази-
ятлар тугдирдилар. Ҳужум тез-
да гол билан тугди. Танф-
фуста қонандилар 1:1 хисобида
қичиб кетишди. Иккинчи тай-
мин бешинчи минутда АСК
ҳимоячилари тўлини қўли билан
ушлаб қолди. 11—метр. Крас-
никий билан Бойченконинг ик-
лама-икки олиншуви армиячи
фойдасига ҳал бўлди. Аммо
орадан икки минут ҳам ўтмаган
эдики таблода 2:1 рақами пай-

до бўлди. Красникийнинг узат-
ган штрэф тўлини Р. Юнусов
дарвозага киритди.

«Пахтакор» навбатдаги уч-
рашувини дам олиш қуни Моск-
ванинг «Динамо» командаси
билан ўтказди. Агар бу ўйин-
да пахтакорчилар голлиб чиқса-
лар «Политотдел» билан бўла-
диган учрашув қандай натижа
билан туганидан қатъий назар
биринчи ўринга чиқадилар.

ЕР ЯНА СИЛКИНДИ

Тошкент сейсик станцияси ха-
бар беришча, кеча маҳаллий ва-
қт билан соат 15:52 минут 41
секунд утганда 2.3 балл куч билан
ер тебрланди. Зилзила маркази
Тошкентнинг ишмоли-шарфий то-
монида, 140 километр узоқлида
бўлиб, бу ерда 6-7 балл куч билан
тебранган.

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРЛАРИДАН

КУНИГА БИТТАДАН...

Ўргатувчи ўзига қа-
рашан хайвонларни
дўстларига намоийин қи-
лаётган эди, Томошаби-
лар бир каттақча инюк
ўтирган шер билан кўй-
ни кўриб, хайрон бўлиш-
ди. Улардан бири:
— Сиз, шерни қаядай

қилиб ўрта олдингиз?
— деб сўраб қолди.
— Одатдагидек. Фанат
унга ҳар кун биттадан
кўй совға қилиб тура-
май.

ҚАНДАЙ УХЛАШАР ЭКАН

Кўпчи тағида ётган
бир йаталияли ишчи уй-
қусилида қийналиб,
«ётоқхона»даги қўшин-
сидан сўради:

— Менга айтчи, кам-
бағал бечоралар, кеча-
ларни кўтарилиб қуйла-
диган кўприклар остида
қандай ухлашар экан-а?

«ПИШИҚ» ШЛЯПА

Харидор магазинга
киришди, прилавка ус-
тига ифлос, эзилган
шляпани отиб юборди.

ПИКАССОНИНГ ЖАВОБИ

Машҳур расом Паб-
ло Пикассо уруш даври-
да оккупация қилинган
Францияда ашарди.
Унинг олдида немис сол-
датлари кириб туришар,
расом эса уларнинг ҳар
бирига гитлерчилар то-
монидан ҳаробага айлан-
тирилган шаҳарнинг чи-
зилган расмидан кичин

нусақасини
«Ушунга деб совға қилар-
ди»
Қуларнинг бирда
Пикассоннинг иш хонаси-
га бир гестапочи кириб
кечди. Портфелидан ним-
гадир совға қилинган
нусақалардан бирини
олиб, ундан сўради:
— Бу сизнинг қўли-
гиздан жетган ишим?
— Йўқ, сизнинг, —
жавоб берди Пикассо.

ТЎҒРИ ДАЛОЛАТ

Еш автор: — Редак-
тор менинг қўлзмамни
ўқиб тиндим?
Сенаторы: — Ўйлай-
манки, ҳали ўқимган,
анс ҳолда унинг қорни-
каси бўш бўлмас эди.

Русчада
Қ. АХМЕРОВ таржимаси.

«Ташкент Ҳақиқати» (ташк.
КЕНТСКАЯ ПРАВДА) — Орган
гашкентского обкома КП Узбекиста-
на, областного Совета, депутаты

«Бизнинг
Адрес: Тошкент, Правда Вос-
тока к/часи, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—83212, Редактор уринбосар-
лари—83585, 83623, Массул секретарь—83488, Пропаганда, адабиёт
ва санъат бўлими—83193, Санъат, транспорт ва кўриш бўлими—
83378, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими—83581, Киш-
лон хўжалиги, фан маиш ва олий ўқув юрталари бўлими—83903, Совет
ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—83876, Халтар ва
оммалар ишлар бўлими—83408, Эълонлар бўлими—83812, Коммуитар—
83029 дан 83028 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг
босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05181 ИНДЕКС 64970. А. — 1811.